

**ГЕОГРАФИЯ:
ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ВА ЛОЙИҲАЛАР**

Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг
Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 28-29 март 2012 йил



**ГЕОГРАФИЯ:
ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ, ТЕХНОЛОГИИ
И ПРОЕКТЫ**

МАТЕРИАЛЫ

Республиканской научно-практической конференции
одарённых студентов и молодых ученых

Тошкент, 28-29 марта 2012 года

Тошкент -2012

ер усти сувлари оқимининг тезлиги ва қўлами кенгдир. Бундай вазиятда ифлос моддалар тарқатувчи эпицентрларда уларни зарарсизлаштириш, ушлаб қолиш ёки фойдали элементларни йиғиш жараёнлари дунё андозаларига мос келувчи технология асосида амалга оширилади керак. Берк ёки кам чиқиндили технологияни қўллаш орқали табиий муҳитнинг мусавфолигини сақлаб қолиш, замон талабига айланмоқда. Чиқинди омборхоналарида тўнлашиб қолган, саноат хом ашёларидан фойдали элементларни саноат йўли билан ажратиш олиш, қолганларини эса боғиқларга ағдариш, бузилган ерларни рекультивация қилиш ишларини тезроқ бажариш ўта зарур. Инсон ҳаёти учун хавfli бўлган, радиактив хом ашёлар қазиб олинган қарьерлар, шахталар, радиацияланган жойларни махсус инженерлик иншоотлари асосида беркитилиши ва уларда радиация микдорининг метърдан пастда бўлишига мунтазам эришиш зарур.

Тоголди ва тоғ табиатидан фойдаланиш ландшафтларнинг структурали динамик ҳолатининг ниҳоятда мураккаблиги ва шунга мувофиқ экологик мувозанатнинг нозиклиги туфайли, инсондан эҳтиёткорликни талаб қилади. Бунинг учун, мавжуд географик қонушлар ва қонуниятларни билиш, ресурслардан фойдаланишнинг илмий тамойилларига мунтазам амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Табиатдан фойдаланишда ҳудуднинг экологик хусусиятлари, мувозанати, ландшафтларнинг структураси ва динамик ҳолати, барқарорлиги, тарихий-анъанавий усуллар қабиларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Шуларга таянган ҳолда, табиий бойликлардан фойдаланишнинг геозкологик асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тоғли ҳудудларда табиий ресурслардан фойдаланиш, ниҳоятда мураккаб жараёндир. Уларда табиатдан фойдаланишнинг геозкологик асосларини ишлаб чиқиш ўта долзарб масала ва қўйидагиларни инobatга олиши зарур: а) табиат комплексларининг ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш қобилиятларининг табақалашганлиги; б) нозик табиий географик комплексларда табиий ресурслардан фойдаланишда ландшафтларнинг динамик ҳолатига қараб баҳоланиши; в) қия ёнбағирларда ресурслардан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамиятга касб этиш; г) табиатдан фойдаланишда антропоген босим таъсирини эътиборга олиш зарурлиги; д) табиатдан фойдаланиш мобайнида ресурс имкониятларни сақлаб қолиш ва экзоген жараёнларни олдини олиш бирламчи аҳамият касб этишидир.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, йирик масштабли картографик асослардан фойдаланган ҳолда, табиий ва иктисодий районларнинг табиий географик жараёнлари, табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ва бугунги кунда жуда муҳим ҳисобланадиган геозкологик карталарни тузиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим самарадорлигини оширади ва унинг картографик қийматини белгилайди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Усмонов М.Р.

Жиззах давлат педагогика институти

Ўзбекистон Республикаси ички сувларини 18 мингга яқин, дарё, дарёча ва сойлар ташкил этади. Уларнинг ўн мингтаси Амударё ҳавзасида, беш мингтаси Сирдарё ҳавзасида, қолганлари эса тоғли ҳудудларда ҳосил бўлган қатга-кичик сой ва жилгалардан иборат. Шунингдек, мамлакат ҳудудида 525 та қул ва қулчалар ҳамда 53 та сув омборлари мавжуд. Бу сув ҳавзалари мамлакат иқтисодийгининг барча тармоқларига йилига 57,478 км³ сув билан таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат сув ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий имкониятлари ва минтакаларнинг сув ресурслари бўйича салоҳиятига баҳо бериш ва сувдан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Жиззах вилояти республикада сувдан фойдаланиш ва унга бўлган эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамиятга эга минтакалардан биридир. Вилоятнинг сувга бўлган эҳтиёжи турли даражадаги вазиятларга боғлиқ, чунки ўзлаштирилган қул туманларининг суғиёй суғориш тизими Сирдарё дарёсининг сув режимига асосланган бўлса, тоғли туманлардаги сув ҳавзалари эса, фақат ушбу туман ҳужалиги ва аҳолисининг эҳтиёжини қондиришга мўжалланган.

Жиззах вилояти майдони 21.2 минг км. бўлиб, республика ҳудудининг 4,7 % ини ташкил этади. Вилоят ҳудудида қишлоқ ҳужалигида фойдаланиш имкониятига эга 1,2 млн гектар майдон бўлиб, шундан 1/3 қисмидаги дехқончилик мақсадида фойдаланилади, ушбу майдоннинг 281072 гектарида суғориб дехқончилик қилинади. Ҳозирда вилоятда суткалик сув тақсимоти 400 минг³ м ни ташкил этади ва йилга бу кўрсаткич 1,980 млн³ метрга тўғри келмоқда. Шу билан бирга ер юзасидаги оқар сув манбаи жиҳатидан маълум танқисликлар ҳам мавжуд, чунки вилоят катта сув манбаига эга дарё ўзанидан анчагина узоқда жойланган.

Вилоят асосий дарёлари ҳақида маълумот

(1-жадвал)

| № | Дарё номи | Узунлиги (км) | Бошланган жойи |
|----|----------------|---------------|-------------------|
| 1. | Сангзор | 123 | Туркистон тизмаси |
| 2. | Зоминсув | 41 | Туркистон тизмаси |
| 3. | Равотсой | 39 | Молгузар тизмаси |
| 4. | Хужамушкентсой | 36 | Молгузар тизмаси |
| 5. | Сайхонсой | 31 | Молгузар тизмаси |
| 6. | Пишағар | 29 | Молгузар тизмаси |
| 7. | Ухумсой | 25 | Нурота тизмаси |
| 8. | Моржунсой | 24 | Нурота тизмаси |
| 9. | Осмонсой | 21 | Нурота тизмаси |

(Жадвал муаллиф томонидан чизилган)

Бу дарё сувлари асосан Бахмал, Галлаорол, Жиззах ва қисман Зомин туманлари экинзорларини суғора олади ҳолос. Вилоят қишлоқ ҳужалигининг

асосий қисмини суғориш мақсадида бир ханча каналлар, гидротехник иншоотлари ва олгита кудратли насос станциялари орқали қарийиб 180 м баландлиққа сув чиқарилмоқда.

Вилоятнинг ирригация каналлари

(2-жадвал)

| № | Канал номи | Қурилган йили | Қайси дарёдан сув олинган | Узуنлиги (км) | Сув сарфи (м ³ /сек) |
|----|-----------------------------|---------------|---------------------------|---------------|---------------------------------|
| 1. | Жанубий Мирзачўл канали | 1961 | Сирдарё | 127 | 3350 |
| 2. | Жиззах магистрал канали №-1 | 1964 | Сирдарё | 67 | 38,6 |
| 3. | Жиззах магистрал канали №-2 | 1967 | Сирдарё | 49 | 39,0 |
| 4. | Жиззах магистрал канали №-3 | 1967 | Сирдарё | 47 | 37,0 |
| 5. | Гуятортар | 1912 | Зарафшон | 54 | 45,0 |

(Жадвал муаллиф томонидан чизилган)

Бундан ташқари умумий сув ҳажми 953,3 млн³ м ни ташкил этувчи бир канча сув омборлари мавжуд ва уларнинг суви ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетация даври мобайнида қеракли даражада фойдаланилиб келинмоқда.

Вилоятдаги сув омборлари

(3-жадвал)

| № | Сув омборлари номи | Майдон (км ²) | Сув ҳажми (млн м ³) | Қайси дарё ҳавзасида жойлашганлиги |
|----|--------------------|---------------------------|---------------------------------|------------------------------------|
| 1. | Арнасой | 249 | 730 | Сирдарё |
| 2. | Жиззах | 13,8 | 100 | Сангзор, Зарафшон |
| 3. | Зомин | 9,3 | 52 | Зоминсой |
| 4. | Қорувултепа | 7,53 | 53 | Зарафшон |
| 5. | Хўжамушкент | 0,45 | 8 | Хўжамушкентсой |
| 6. | Новқа | 0,60 | 6 | Новқасой |
| 7. | Сармич | 0,13 | 4,3 | Сармичсой |

(Жадвал муаллиф томонидан чизилган)

Вилоят сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экин майдонларини суғориш учун вилоятда бутун бир мураккаб ирригация – мелиорация тармоқлари вужудга келтирилган. Вилоятдаги ички суғориш тармоқларининг умумий узунлиги 8390,2 км бўлиб, шундан 294,9 км ерли ариқ, 4495 км бетомли ариқ, 3421 км новли ариқ ва 179,1 км қувурли ариқни ташкил қилади. Бу ирригация тизими талаб даражасида ва қишлоқ хўжалигига етарлича хизмат қилиб келмоқда. Суғориладиган ер майдонлари ҳудудидан сизот сувларини чиқариб юбориш, ернинг шўрланиш даражасини пасайтириш учун жами 253 минг га майдонда дренажлар ётқизилган. Улар ёрдамида ташлама сифатида чиқаётган сувлар вилоятнинг денгиз сатҳидан энг паст бўлган Айдар, Тузқон қўлларига

бориб куйилади. Бу кўллар тизими мухофаза қилинади ҳамда балиқчилик мақсадида фойдаланилиб келинмоқда.

Бугунги кунда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида 75 та сув манбаидан фойдаланилади. Тоғли ҳудудларда эса аҳолининг ичимлик ва томорқаларини сугориш мақсадида йилига ўртача 16-20 млн³ м сув олиш имконияти бор. Сув манбаи кўпроқ бўлган булоқлар асосан Туркистон тизма тоғлари, Молғузар, Қўйтош ва Нурота тоғлари ёнбағрида жойлашган. Хусусан, бундай булоқ сувлари минералларга бой, газли, ишқорли минераллари мавжудлиги ўша ҳудудларда ўзига хос рекреация тизимининг маълум бир соҳасини шакллантиришга асос бўлган, жумладан Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида бальнеологик ва шифобахш сувлар билан даволовчи санаторийлар фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, вилоятдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва географик тадқиқотлар натижасида ушбу имкониятларнинг аниқ чегараларини белгилаб, улардан табиий шароит ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш ҳамда уларни мухофаза қилиш чораларини аниқлаб олиш масаласи кучайиб бормоқда. Бинобарин, бугунги кунимизга хос бўлган модернизация ва технологиялар вилоятнинг сув ва сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини янада тўла таъминлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳўжалик тармоғидаги барча соҳаларни тўғри ташкиллаштириш долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида" Т: "Ўзбекистон", 1996 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" қонуни. (06.06.1993й.)
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси тўғрисида" қонуни (30.04.1998).
4. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисида" қонуни (30.04.1998).

Резюме:

В статье рассмотрено проблемы водных ресурсов Джизакского вилоята и его хозяйственное значение.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Божедомова К. А.

Национальный университет Узбекистана

Стремление людей к познанию окружающего мира и расширению кругозора является глобальной тенденцией и социально-экономическим явлением, обуславливающим развитие индустрии отдыха и путешествий, как на региональном, так и на глобальном уровне. Специалисты выделяют много